

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2024-4/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2024

Tursunov M.M., Ahmedov J.G. Ingliz va o'zbek lingvomadaniyatida "suv" obrazini ifoda etuvchi leksik birlik, ibora va maqollar tahlili	313
Tursunova G.N. Unraveling the cognitive lexicon: a linguistic analysis of phraseologisms with "think"	316
Umaraliyeva N.Q. Rauf Parfi lirikasida shakliy izlanishlar – uchliklarning mazmuniy xususiyatlari	319
Umaraliyeva M.N. Semantic and linguocultural features of some english and uzbek proverbs about friendship	322
Usmonova D. Great influence of Alisher Navoi's poems on the world science	324
Usmanov A. O'zbek tilida termin yasovchi affikslarning o'rni va vazifasi	326
Usmonov Yo.M. Conflicts between analytic and synthetic forms in agglutinative languages	329
Valieva N.Z. The role of phraseological units in expressing emotions and attitudes	332
Xallieva G.I., Adambayeva N.K. Xorijdagi noyob ma'naviy merosimiz	335
Xonqulova N.R. Uzbek parallel corpus for machine translation	338
Yakubova M.S. Ertak janrida mifologik obrazlar talqini	341
Yakubov F.J. Diskurs turlari va siyosiy diskurs haqida	344
Yokubbayeva U.A. "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" asarida qo'llangan paremiologik birliklarning lingvokulturologik xususiyatlari	348
Yuldashev M.M. Akt sohasidagi o'zlashma terminlar xususiyatlari	351
Yuldosheva N.A. The impact of fairy tales on language learning	353
Zuxriddinova M.S. Disfemiya va unga yondosh tushunchalar	356
Аблаева Н.К. Перевод лексики как одна из актуальных проблем художественного перевода	359
Алимарданова Ш.А. Репрезентация языковой дифференциации в толковых словарях современного русского языка	363
Алимова Ш.Я. «Порахўрлик» концептининг инглиз ва ўзбек лингвомаданиятидаги семантик талқини	366
Алимухаммедова Х. Инглиз тилидаги инсон хулк-атворини ифодаловчи тил воситалари	372
Аминова Г.Р. Форма обращения в социокультурном контексте	375
Бадикова О. Равишнинг маъно турлари таснифи муаммолари	378
Базарбаева А. Когнитивные аспекты цветономинирующей лексики	381
Бурханова Г. Основные аспекты изучения новообразований в современной лингвистике	384
Велиева С.Р. Историко-лингвистическое исследование русской топонимической системы Средней Азии: Отражение культурных взаимодействий	388
Джалилова З.Б., Юлдашова Н.О. Использование реалий в художественной литературе как языковой единицы, выражающей национальный колорит	392
Каримова Ш.А. Хамсанавислик тадрижий тараққиётида "Мажмаъ ул-ахбор" достони	395
Киличева Ф.Б. Анализ слов, выражающих радость в русском языкознании	398
Кодирова З.Р. Направления и школы терминоведения	401
Махмудов Р., Абдушарипова Д. Ўзлашма сўзларда деривация ва маъно тараққиёти ҳосилалари	403
Мадаминова Н.Р. История становления гендерной лингвистики	407
Мусаева Г.К. Понимание терминологии гидромелиорации: комплексный обзор	409
Нормуротова М. Анализ проблем передачи второго языка	412
Отажанова М.О. Жадид адабиётида Амир Темур образи	415
Рахимов Ж.И. К вопросу обогащения словарного состава русского и узбекского языков	420
Ткаченко А.В. Изображение личности Алишера Навои в романе Айбека «Навои» и в повести Л.Г. Бать «Сад жизни»	423
Толипова Д.Г., Tuul Namdag Историко-этимологический и семантический анализ лакунарных единиц, семантической группы «семья» в узбекском и русском языках	426
Турсунов И.Н., Турсунова А.М. Роль духовных ценностей в нравственном воспитании молодёжи	429
Убайдуллаева М.Б. Семантические и стилистические аспекты производного слова	433
Усмонова О.С. Ўзбек ва қирғиз таом номларининг социолнгвистик хусусиятлари	435
Хакимова Х.Р. К проблеме языковой репрезентации концептов «добро» и «зло»	438
Хамроев У.С. Классификационные особенности дипломатической терминологической лексики английского языка	441
Ходжаева Г.Б. Айрим янги молия ва иқтисод соҳасига доир ўзлашмалар	444
Холикова Н.Д. Ўзбек мумтоз адабиётида хотин-қизлар образининг бадиий тадрижи	447
Цой А.П. Аксиологические механизмы использования стилей вежливости в корейском языке	450
Шодиқонов С. Основные категории английского военного словаря: на основе военных терминов	455
Юлдашева Д.Б. Стилистические особенности договорной и деловой переписки в экономике	457
Қодирова Г.С. «Зевархон» достонининг лингвостатистик қурилиши	460

қандай ҳаракати англашилади. Шу муносабат билан матбуотда *франчайзинг тўғрисидаги шартномалар* (“Даракчи” газетаси, 02.04.2021), *франчайзинг шартлари* (“Даракчи” газетаси, 29.10.2019), *франчайзинг модели* (“Даракчи” газетаси, 29.01.2019), *эксклюзив франчайзинг* (“Даракчи” газетаси, 24.12.2020), *франчайзинг ресторани* (“Даракчи” газетаси, 12.11.2019), *франчайзинг шартномалари* (“Даракчи” газетаси, 17.09.2019), *франчайзинг дўконлари* (Дарё.уз. 12.08.2021), *франчайзинг савдо нуқталари* (Дарё.уз. 22.05.2017), *франчайзинг ҳамкори* (Дарё.уз. 12.09.2018), *франчайзинг брендлари* (Дарё.уз. 10.05.2016) каби сўз бирикмалари фаол учрайдики, уларда “франчайзинг” тадбиркорнинг дунё бозорига кириб бориши ва шартларини англагач, “франчайзер” дунё бозорига кириб боровчи (борган) тадбиркор ёки савдогарни билдиради. Жонли мисол келтирамиз:

“...шунингдек, Хоразм вилоятидаги тегишли олий таълим муассасаси негизда *франчайзинг модели бўйича Малайзия олий таълим муассасаси дастурларини жорий этиши, келгусида УТМ филиалини очиб тўғрисида битим имзоланди.*” “Даракчи” газетаси, 29.01.2019

Матнни ўқиган ўқувчи гапнинг Ўзбекистон ва Малайзия мамлакатлари ўртасида *франчайзингни кенг йўлга қўйиш*, олий ўқув юртлари ўртасида эса ўзаро ҳамкорликда *франчайзерлар тайёрлаш* ҳақида бораётганлигини англаши ҳар қандай эътироздан ҳоли. Лекин бир шарт биланки, ўқувчи *франчайзингни-тадбиркорнинг дунё бозорига кириб бориши*, *франчайзерни- дунё бозорига кириб боровчи (борган) тадбиркор* маънолари билан яқиндан таниш бўлган ва уни ҳаёт тажрибасида бошидан кўп ўтказган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Тошкент, «Фан», 1987.
2. Duden Deutsches Universalwörterbuch Dudenverlag Mannheim, Leipzig, Wien, Zürich 2007
3. “Merriam Webster America’s Most Trusted Dictionary” номли электрон изоҳли луғати
4. Ижтимоий тармоқлардаги расмий сайтлар: daryo.uz, kun.uz, qalampir.uz

ЎУК: 61/72

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАДРИЖИ

Н.Д.Холикова, докторант, ф.ф.н., Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада ўзбек адабиётида хотин-қизлар образи генезисининг умумий жиҳатлари айрим мумтоз асарлар ҳамда Қуръон карим ва Ҳадислар асосида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: *Марям бинти Имрон, Хадича бинти Хувайлид, Фотима бинти Муҳаммад, Нисо, “Муҳаббатнома”, “Илоҳийнома”, Ширин.*

Аннотация. В статье анализируются общие аспекты генезиса образа женщины в узбекской литературе на основе некоторых классических произведений, а также Корана и хадисов.

Ключевые слова: *Марьям бинти Имран, Хадиджа бинти Хувайлид, Фатима бинти Мухаммад, Нисо, “Мухаббатнамэ”, “Илахинамэ”, Ширин.*

Abstract. The article analyzes the general aspects of the genesis of the image of a woman in Uzbek literature based on some classical works, as well as the Koran and Hadith.

Keywords: *Maryam binti Imran, Khadija binti Huwaylid, Fatima binti Muhammad, Niso, “Muhabbatnameh”, “Ilahiname”, Shirin.*

Ер юзида жамият шаклланиб, адабиёт деб аталган ҳодиса вужудга келгандан бери унинг негизда муҳаббат ва у билан боғлиқ ҳолда аёл образи марказий ўринлардан бирида туради. Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримда “Нисо” (Аёллар) номи билан алоҳида сура нозил қилингани ҳам динимизда хотин-қизларга эҳтиром айрича бўлганини кўрсатади. “Нисо” сурасида аёлларга тегишли барча ҳукмлар, уларнинг ҳуқуқлари, зиммаларидаги бурч вазифалари баён этилган. Ҳусусан, уларга яхши муносабатда бўлиш, гўзал муомала қилишга алоҳида эътибор қаратилган. “Аёллар энг аввало она, сўнгра эса жуфти-ҳалол, рафиқалардир.

Ва улар ила яхшиликда яшангиз. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсда кўпгина яхшиликларни қилса” (Нисо сураси, 19-оят).

Қуръони каримдаги аёлларнинг аксарияти пайғамбарларнинг оналари ёки рафиқалари сифатида тасвирланган. Масалан, бу муборак китобнинг 19-сураси “Марям” деб аталади. Қуръони каримда номи махсус зикр этилган ягона аёл Марям бинти Имрондир. Муборак китобда Марям онамиз ҳақида бундай дейилади: “Яна ўз номусини сақлаган аёл – Марям бинти Имронни (мисол келтирди). Бас, Биз ўз (даргоҳимиздаги) руҳимиздан унга пуфладик (ва у Исога ҳомиладор бўлди). У Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда (Унинг амрига) итоат этувчилардан бўлди” (Таҳрим сураси, 12-оят).

Қуръонда Марям исми 34 марта ёд этилган. Исо алайҳиссаломнинг Қуръони каримда Марям ўғли Исо деб зикр этилиши Аллоҳ таолонинг исломдаги барча аёллар, хусусан, Марям онамизга лутфидир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида: “Жаннат аёлларининг энг яхшиси Марям бинти Имрон, Осий бинти Мазоҳим, Хадича бинти Хувайлид ва Фотима бинти Муҳаммад”, деб марҳамат қиладилар (Муттафакун алайҳ).

Қуръони карим суралари асос бўлиб хизмат қилган “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам аёл образига алоҳида эътибор қаратилади. Маълумки, «Қисас ар-Рабғузий» асари туркий тилда ёзилган дастлабки наср намуналаридан бири бўлиб, мўғул бекларидан бири Тўкбуғабек илтимоси ва ҳомийлигида 710 ҳижрий йил (милодий 1310 йил)да Хоразм ҳудудидаги Работи Ўғузнинг қозиси, аллома адиб ва шоир Носируддин Рабғузий томонидан ёзиб тугаллаган. Рабғузий асарни ёзишда Қуръони каримдан, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг форсча «Қисас ул-анбиё»сидан, Ваҳб ибн Мунаббихнинг араб тилидаги «Каъб ул-ахбор» асарида алоҳида фойдаланганлиги қайд этилади[1]. Мазкур ёзма ёдгорлик инсониятнинг пайдо бўлиши ва аввал яшаб ўтган пайғамбарлар тарихини ҳикоя қилар экан, унда Одам Ато ва Момо Ҳаводан тортиб, Муҳаммад (с.а.в.)гача яшаб ўтган пайғамбарларнинг ҳаёти, эзгу амаллари, ақлан ва теран ўйланган ўй-фикрлари ҳикматлар, ривоятлар орқали моҳирона акс эттирилган.

Асарда пайғамбарлар образига ёндош тарзда бир қанча хотин-қизлар образи ҳам мадҳ этилган. Асарнинг қимматини оширадиган жиҳатлардан бири манбаларда пайғамбарларнинг хотини ёки онаси бўлган авлиёсифат, салоҳиятли аёлларга махсус саҳифалар бағишлаган. Муаллиф Одам Атонинг ёнида Момо Ҳавони, Иброҳим пайғамбар билан Сора разияллоҳу анҳуни, Исмоил пайғамбар билан онаси Биби Ҳожарни, Юсуф билан Зулайҳони, Исонинг волидаси Биби Марямни, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ёнида Хадича разияллоҳу анҳу ва Ойиша разияллоҳу анҳуни ўзига хос тарзда тасвирлаганлигига гувоҳ бўламиз. Асарда Иброҳим алайҳиссалом ва уларнинг аёллари Сорага бир подшоҳ зулм қилмоқчи бўлганда, Сора онамиз Иброҳим пайғамбарнинг ёнларида туриб, мардонавор тарзда ўзларини ва номусларини ҳимоя қилганлари ҳақидаги қуйидаги лавҳани келтириш жоиз: “Подшоҳ Сорага Ҳар Қанча сўз Қотса Ҳамки, жавоб бермади, икки Қўли билан юзини тўсганча йиғлар эди. Подшоҳ тақати тоқ бўлиб, Соранинг ёнига келди, юзини очай дея Қўлини чўзганди, шу он Иброҳим алайҳиссалом дуо Қилди: “Илоҳи, бу кофирга Қудратингни кўрсатгил!” Подшоҳнинг икки Қўли бўйнигача Қуриди. Шунда у: “Эй Сора, дуо Қил, Қўлларим жойига Қайтсин, сени озод Қиламан!” деди. Дуо Қилди, икки Қўли жойига келди. Яна Қасд Қилганди, тағин Қўли Қуриди. Бу Ҳол уч бор такрорланди. Шунда зилзила турди, ер тебрана бошлади. “Сендан менга теккан бу балолар нимани билдирур, деб сўради подшоҳ. “Йўқ, мендан эмас, улар сени кофирлигинг ва менга нисбатан куч ишлатганинг туфайли юз берди”, - деди Сора. “Мен сенга куч ишлатмалдим-ку?!” - деди подшоҳ. “Сен менга эмас, балки Оллоҳнинг пайғамбарига куч ишлатдинг... сен уни мендан айирдинг, бу ранж балолар сенга шу туфайли тегди” [2, 47].

Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам хотин-қизлар образи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, энг кичик лирик жанр – фарддан тортиб, катта эпик асар – маснавий-достонларгача ёр образи юксак пардаларда тараннум этилган. Туркий номачиликнинг ибтидоси бўлган Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари ёр образи орқали аёл гўзаллиги илк марта бадий талқин этилган асар сифатида туркий адабиётдан муносиб ўрин эгаллади. Асар ошиқнинг ёрга ёзган 11 номасидан

иборат бўлиб, унда номалардан ташқари ғазал, қитъа, фард каби кичик лирик жанрларга хос намуналар ҳам киритилган.

Хоразмий асарда ёр таъриф-тавсифи, ошиқнинг руҳият кечинмаларини, изтироб ва қалб туйғуларини моҳирлик билан тараннум этади. Қуйидаги мисраларга эътибор қаратсак:

*Очилса лаълингиз, шакар сочикур,
Кўруб гулгунчанинг оғзи очилур.
Бўйингтеқ сарв йўқ бўстон ичинда,
Юзинг нуридин ой нуқсон ичинда.
Табассум қилсангиз, шакар уёлур,
Тишинг инжусидин гавҳар уёлур.
Қачонким тор оғзинг шакарбор,
Сабо гулгунчанинг оғзин йиртор [3, 320].*

Шоир ёр тасвирини берар экан, уни ўзига хос ташбеҳлар воситасида ривожлантиради. Баъзи ўринларда ёрдан шикоят тарзида ёзилган байтлар ҳам келтирилади. Хоразмий номаларда хусн-жамоли, одоб-ахлоқи билан лирик қаҳрамонни мафтун қилган ёр тасвирини беради:

*Ерурман васлинг доим талабгор,
Нечаки тун узун бўлса, тонги бор.
Топилгай мақсудим топкунгда бори,
Саодат қилса Хоразмийга ёри.
Оғир уйқучи бахтим неча ётқай,
Висолинг машириқидин ҳам тонг отқай [3, 320].*

Темурийлар даври адабиётининг йирик вакилларида бири, тўрт маснавий достони билан эпик поэзия ривожига муносиб ҳисса қўшган Саййид Қосимий “Илоҳийнома” асари билан аёл садоқатига бадий ҳайкал ўрнатди.

*Бор эрди вақти бир соҳибжамоле,
Нигоре нозанине бемисоле.
Малоҳат кишварида подшоҳе,
Кўзи лашкаркашу ҳусни сипоҳе.
Латофат суйидин бўлмиш сиришта,
Камоли ҳуснина ҳайрон фаришта* (“Илоҳийнома”, 131)

мисралари билан бошланган достон Саййид Қосимийнинг бошқа асарларидан тубдан фарқ қилиб, аёл мадҳига бағишланган қомусдир. Унинг марказида вафо ва садоқат тимсоли аёл туради. Достон номланишининг ўзиёқ Фаридиддин Атторни эслатади. Адабиётшунос олимлар Н.Раҳмонов, Д.Юсуповалар Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома”си XII–XIII асрда Фаридиддин Атторнинг шу номдаги асарига жавоб эканлигини таъкидлашади [4, 144]. Аслида достон Атторнинг “Илоҳийнома”сидаги бир ҳикоя асосида ёзилган. Саййид Қосимий достон сўнгида шундай ёзади:

*Илоҳийномайи Аттор бу дур,
Давайи сийнаи афгор бу дур.
Они турки бирла Қосимий айди,
Маъоний гуҳарини элга ёйди.*

Алишер Навоий лирикаси ва “Хамса”си таркибидаги достонларда ҳам хотин-қизлар образи алоҳида муҳаббат билан тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз. Унинг ишқий мавзудаги ғазалларида ёр образи орқали тараннум этилган нозик хилқат соҳибалари ўз гўзаллиги, вафо-садоқати, айрим ўринларда жафокорлиги ва ситамкорлиги билан ўзига хос тимсол даражасига кўтарилган бўлса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларида бош қаҳрамонларнинг бири сифатида илоҳий мазҳар даражасига кўтарилади.

Навоий ўз ҳаёлидаги идеал маъшукани Ширин образида мужассамлаштиради. “Навоийнинг Ширини жуда олийжаноб киз. У Фарҳоднинг самимий муҳаббатини кадрлайди ва унга ўзи ҳам ошиқ бўлади. Ширин Фарҳоднинг кимлигини билмагани ҳолда унга кўнгил қўяр экан, подшоҳ Хусравни оддий тоштарош ҳунарманддан баланд қўймайди. Фарҳоднинг

вафотини эшитиб, қаттиқ қайғуради, Хус-рав ва унинг падаркуш фарзанди Шеруяга хотин бўлганидан Фарходга содиқлигича ҳалок бўлишни афзал кўради”.

Н.Комиловнинг “Тасаввуф” китобида ёзилишича, Ширин Навоийнинг достонида Яратганнинг мазҳари сифатида намоён бўлади. Унинг пок сурати ва сийрати Ҳақ зотида фано бўлган покиза Фарходни ўзига буткул шайдо, ишқига гирифтор этган эди:

Кўруб Ширинни ҳайрат лол қилди,

Таажжуб бир йўли беҳол қилди [6, 190].

Шунингдек, Алишер Навоий ижодидаги бир қатор тарихий-бадий образлар, жумладан, Аланкува, Золи зар, Ҳалима она, Билқиси соний – Ҳадичабегим тимсоллари ҳам шоир бадий маҳоратининг ҳосиласи ўларок бадий образ сифатида адабиётдан ўрин олдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Остонақулов И. Қисас ар-Рабғузӣ – адабий асар. Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1993
2. Носируддин Рабғузӣ. Қиссаси Рабғузӣ. Ҳозирги ўзбек тилига табдил қилувчи Б. Абдушукуров. – Т., 1993.
3. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти намуналари. – Т.: Фан, 2007. – Б. 320.
4. Rahmonov N. O'zbek adabiyoti tarixi. – T.: Sano-standart, 2017.
5. Юсупова Д. Алишер Навоий “Ҳамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr-O'zbekiston NMIU, 2009.

УДК 81-22

АКСИОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СТИЛЕЙ ВЕЖЛИВОСТИ В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ

А.П.Цой, к.ф.н., доц., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Annotatsiya. *Ushbu maqola koreys tilida xushmuomalalik uslublariidan foydalanish mexanizmlarini ko'rib chiqishga bag'ishlangan. Xushmuomalalik uslublari tizimi koreys jamiyatidagi shaxslararo munosabatlarning o'ziga xos, ierarxik tuzilgan ko'p o'lchovli hodisasi sifatida talqin etiladi, bu konfutsiylik - axloqiy va axloqiy qadriyatlar normalarining maxsus tizimiga asoslangan. Xushmuomalalik uslublari modellaridan foydalanish ularning o'zaro munosabatlari va o'zaro ta'sirining ko'p asrlik qoidalariga asoslanadi, ular asarda shaxslararo munosabatlarning aksiologik mexanizmlari sifatida belgilanadi, murojaat qiluvchi va murojaat qiluvchi o'rtasidagi muloqotda muayyan nutq sharoitida amalga oshiriladi. Har bir nutq vaziyatida murojaat etuvchi va oluvchi o'rtasidagi dialogning uchta asosiy rejasi ajralib turadi: bitta maqsad - murojaat etuvchi va qabul qiluvchining ijtimoiy maqomlari, shuningdek ma'lum 3-shaxs (yoshi, ijtimoiy holati, aksiologik koordinatalar tizimidagi baholash). "do'st - dushman") ↔ ikkita sub'ektiv - manzillovchi / ma'ruzachi (Mavzu') ↔ qabul qiluvchi / tinglovchining rejasi (Mavzu'). Ushbu triadada ob'ekt rejasi alohida ahamiyatga ega, chunki aniq kommunikativ vaziyatda xushmuomalalik uslubi modelini tanlash strategiyasining muvaffaqiyatini aniqlaydi. Shu bilan birga, muloqot jarayonida koreys tilining etnografik va madaniy-tarixiy xususiyatlarini bilish bilan shartlangan ba'zi lingvistik voqeliklarni hisobga olish zarurligini ta'kidlash lozim.*

Kalit so'zlar: *xushmuomalalik uslublari tizimi; shaxslararo munosabatlarning o'ziga xosligi; ierarxik tuzilgan ko'p o'lchovli hodisa; konfutsiylik; aksiologik mexanizmlar; xushmuomalalik uslublari modellari; dialogning ob'ekt va mavzu rejalari; xushmuomalalik uslubi modelini tanlash strategiyasi; aloqa holati; lingvistik haqiqatlar.*

Аннотация. *Данная статья посвящена рассмотрению механизмов использования стилей вежливости в корейском языке. Система стилей вежливости интерпретируется как некий специфический, иерархически структурированный многомерный феномен межличностных отношений в корейском социуме, который базируется на конфуцианстве – особой системе норм моральных и этических ценностей. Использование моделей стилей вежливости основаны на устоявшихся в веках правилах их соотношений и взаимодействий, которые в работе обозначены как аксиологические механизмы межличностных отношений, реализуемые в диалоге между адресантом и адресатом в конкретной речевой ситуации. В каждой речевой ситуации выделяются три основных плана диалога между адресантом и*